

БАҚЛАЖОННИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ГЛОБУС НАВИДА ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Тураев Дилшод Шодавлатович,
СПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станцияси.

Аннотация. В статье представлена информация о создании сорта Глобус и ценностно-хозяйственных признаках перспективности баклажана.

Ключевые слова: урожайность, баклажаны, стандартный сорт, мякоть плода, круглые плоды, селекция, раннеспелость

Abstract. The article provides information on the creation of the Globus variety and the value-economic signs of the eggplant's prospects.

Keywords: yield, eggplant, standard variety, fruit pulp, round fruits, breeding, early maturity

Кириш. Бақлажоннинг эртапишар, бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайларини яратиш селекцияси Республикамизда янги йўналишлардан ҳисобланади. Бундай нав ва дурагайларни яратиш аввало, мамлакатимиз аҳолисини эрта баҳорда янги, витаминларга бой бақлажонга бўлган талабини қондирса, иккинчидан республикамизда кенг тарқалган зараркунанда - бўртма нематодасининг келтирадиган зарари натижасида содир бўладиган ҳосилдорлик пасайишининг олдини олади.

Аҳоли ва сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи деҳқон ва фермер хўжаликларининг бу экинга бўлган қизиқиши, бақлажон экини селекцияси олдида фойдали озиқавийлик ва юқори технологик сифатига эга бўлган, минтақадаги энг хавфли касалликлар ва ташқи муҳитнинг ноқулай факторларига чидамли нав ва дурагайларини яратишни муҳим вазифа қилиб қўяди.

Тадқиқотнинг долзарблиги ва ҳозирги ҳолати. Бақлажоннинг эртапишар, бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайларини яратиш республикамизда янги йўналишлардан ҳисобланади. Бундай нав ва дурагайларни яратиш аввало мамлакатимиз аҳолисини эрта баҳорда янги, витаминларга бой бақлажонга бўлган талабини қондирса, иккинчидан республикамизда кенг тарқалган зараркунанда бўртма нематодаси туфайли ҳосилдорлиқнинг пасайишига имкон бермайди.

Узоқ йиллар мобайнида СПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий-тажриба станциясида эртапишар, мевалари бозор талабига жавоб берадиган, бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайлар яратиш бўйича селекция ишлари олиб борилмоқда.

Тадқиқот материаллари ва услуби: Тадқиқотлар материали сифатида Россия, Голландия, Ҳиндистон, АҚШ, Канада, Япония, Испания, Франция, Венгрия, Замбия, Непал, Афғонистон, Сирия, Корея мамлакатларидан келтирилган 60 га яқин нав намуналари ва 30 дан ортқ ўз селекциямизга мансуб биринчи авлод дурагайлари хизмат қилди.

Тадқиқотлар «Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны)» (Л., 1977) асосида олиб борилди.

Тажриба кайтариксиз олиб борилди. Ҳисоб бўлмачаси майдони 6.3 м². Бўлмачада ўсимликлар сони 30 та, бўлмача уч каторли. Дурагайлар киёсий нав ва ота-она формаларига таққослаб ўрганилди.[2]

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида эртапишар, бўртма нематодасига чидамли, қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган «Глобус» нави яратилди.

Тадқиқотлар «Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томаты, перцы, баклажаны)» (Л., 1977) асосида олиб борилди.

Таҳлил ва натижалар. Бақлажоннинг янги яратилган «Глобус» нави СПЭ ва КИТИ Сурхондарё илмий тажриба станциясида 2003-2004 йилларда бақлажоннинг эртапишар бўртма нематодасига чидамли нав ва дурагайларини яратиш мақсадида, эртапишар «Сурхон гўзали» ва бўртма нематодасига чидамли «Матросик» навларини ўзаро частиштириш йўли билан яратилган. 2013 йил селекцион питомникда авлодларни ўрганиш натижасида яқка танлаш асосида Л-9 линияси ажратиб олинди. 2014-2016 йилларда ушбу линия дастлабки синовдан, 2017-2018 йилларда эса танлов синовидан ўтказилди (1-жадвал)


Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, стандарт «Сурхон гўзали» нави ўрта бўйли «Глобус» нави эса паст бўйли бўлди. Ҳозирда бақлажон селекциясида механизмлар ёрдамида йиғиштириб олиш мақсадида паст бўйли навлар селекциясига алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда [5]. «Глобус» навининг ўсимлик бўйи паст ва ярим тарвақай ҳисобланади (1-расм).

Бақлажон меваси ўзига хос мазаси, узоқ масофаларга жўнатилганда ва ўсимликда яхши сақланиши ҳамда қайта ишлашга яроқлилиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.


1-жадвал.

Бақлажон навларининг морфобиологик тавсифи


Нав ва дурагайлар	Ўсимлик		Мева			
	типи	бўйи	шакли	мева ранги	ташқи кўриниши	мағзи ранги
Сурхон гўзали, ст	тик ўс.	71	цилиндир.	тўқ бинаф.	силлиқ	оч яшил
Глобус	ярим тарв.	55	юмалоқ.	қора бинаф.	силлиқ ялтироқ	оқ



1-расм Бақлажонниг Глобус нави.



2-расм Глобус навининг мева тузилиши.



3- расм. “Глобус” навининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари

Стандарт навда мева шакли цилиндрисимон, тўқ бинафша, силлиқ, мева эти оч яшил рангли бўлди. Глобус навида эса мева думалоқ, қора бинафша, силлиқ ялтироқ, мева эти оқ рангли эканлиги қайд этилди.

Гиш Р.А. (1999) маълумотларига кўра бақлажон меваси этининг оқ рангли бўлиши унинг ширинлигидан далолат беради. Бақлажоннинг Глобус навининг мева ранги қора бинафша, силлиқ ялтироқ думалоқ шаклда ва мева эти оқиш туста (2-расм).

Глобус навнининг ўсув даври 105 кунни ташкил этиб, эртапишар ҳисобланди. Бунда Глобус нави умумий ҳосилдорлиги

71,0 т/га ни ташкил этиб, стандарт навдан 11,7 т/га юқори бўлди (3-расм).

Хулоса. Шундай қилиб, навларни ўрганишда олиб борилаётган тадқиқот натижасига кўра, “Глобус” нави эртапишар, хўжалик қимматли белгиларига эга ҳосилдор сифатида ажратиб олинди. Кейинги йилларда халқимизнинг юмалоқ мевали бақлажонга бўлган талабининг ортиб бораётганлиги ҳам ушбу нави яратилишига сабаб бўлди. “Глобус” нави бўртма нематодаси билан зарарланган тупроқли майдонларда ҳам ҳосилдорлигини пасайтириб юбормайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Кондакова Е.И., Квасников Б.В., С.И. Игнатова С.И. Методика оценки сортов томата на устойчивость к галловым нематодам. Тр. НИИОХ, том. 6, М., 1976. –С.169-174-б.
2. Методические указания по изучению и поддержанию мировой коллекции овощных пасленовых культур (томат, перец, баклажан) Л., 1977. [23-б.].
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М., 1986. [351-б.]
4. Гиш, Р.А. Баклажан. Биология, сорта, технология возделывания: Учебное пособие для студентов. КГАУ / Р.А. Гиш // Краснодар, 1999. - 167 с.
5. С.С. Литвинов Методика полевого опыта в овощеводстве Москва – 2011. [401-б.]

TANLOV NAV SINOVIDA EKILGAN BAMIYA NAVLARINI IQTISODIY SAMARODORLIGI KO'RSATKICHLARI

Ibrohimov Bahodir Akmal o'g'li, q.x.f.f.d. (PhD), k.i.x.,
Nizomov Rustam Axrolovich, q.x.f.d., professor,
SPEvaKITI.

Annotatsiya. Bamiyaning "Toshkent tuhfasi" navi O'zbekiston uchun yangi, no'ananaviy ekin turi bo'lganligi hamda bu ekinni mahalliy va O'zbekiston uchun ekishga ruxsat etilgan navlari bo'lmaganligi sababli, bu ekin turi standart bilan taqqoslanmasdan bir biriga taqqoslanib ya'ni "Burgundiy" navi bilan taqqoslanib sinaldi.

Kalit so'zlar: bamiya, poya, Toshkent tuhfasi, Burgundiy, meva, nav, K-194, L-11.

Аннотация. Поскольку сорт бамии Тошкент тухфаси является новой, нетрадиционной для Узбекистана культурой и не имеет местных сортов, разрешенных к посеву для Узбекистана, этот сорт был протестирован без сравнения со стандартом, то есть с сортом "Бургундий".

Ключевые слова: бамия, стебель, Тошкент тухфаси, Бургундий, фруктовый, сорт, K-194, Л-11.

Abstract. Since the "Tashkent tuhfasi" variety of bamiya is a new, non-traditional type of crop for Uzbekistan and there are no varieties that are allowed to plant this crop locally and for Uzbekistan, this type of crop was tested in comparison with the "Burgundian" Variety, without comparison with the standard one.

Key words: fruit, variety, okra, stem, Toshkent tuhfasi, Burgundy, K-194, L-11.

Kirish. Bamiyaning nav namunalarini har tomonlama o'rganish natijasida Iroqdan keltirilgan K-194 nav namunasi yakka tanlash va avlodini o'rganish asosida L-11 liniyasi ajratib olindi.

Bu liniya 3 yil davomida ekilib, biologiyasi va yetishtirish texnologiyasi o'rganildi. Bu davr ichida muntazam ravishda yakka tanlov ishlari olib borildi. Natijada serhosil, ertapishar, qurg'oqchilikka va kasalliklarga chidamli, hamda saqlanuvchanligi yaxshi bamiyaning yangi navi yaratildi.

Bamiyani L-11 liniyasi SPE va KITI ilmiy kengashi tavsiyasiga ko'ra "Toshkent tuhfasi" deb nomlandi va Qishloq xo'jaligi ekinlari nav sinash markaziga topshirildi va ushbu navning nav tanlov sinovi olib borildi. Bamiya O'zbekiston uchun yangi, no'ananaviy ekin turi bo'lganligi hamda bu ekinni mahalliy va O'zbekiston uchun ekishga ruxsat etilgan navlari bo'lmaganligi sababli, bu ekin turi standart bilan taqqoslanmasdan bir biriga taqqoslanib ya'ni "Burgundiy" navi bilan taqqoslanib sinaldi.

Tadqiqot natijalari. Tanlov nav sinovida ekilgan bamiyaning "Toshkent tuhfasi" va "Burgundiy" navlarining meva soni, meva vazni va hosildorlik ko'rsatkichlari aniqlandi (1-jadval).

Bitta o'simlikdagi mevalar soni "Toshkent tuhfasi" navida 22 donani tashkil etgan bo'lsa, "Burgundiy" navida 20 donani tashkil etdi, "Toshkent tuhfasi" navining mevalari soni "Burgundiy" navidan 10 foizga ko'p bo'ldi.

Sinovda qatnashayotgan navlarda o'rtacha meva soni 22 donani tashkil etgan bo'lsa, "Toshkent tuhfasi" navida o'rtachaga

nisbatan 1 donaga ko'p meva hosil bo'ldi. "Burgundiy" navida esa o'rtachaga nisbatan 1 dona kam meva hosil bo'ldi.

Tajriba olib borilgan nav namunalarining umumiy hosildorligidagi EKMT₀₅ ko'rsatkichlari quyidagicha bo'ldi: 3,2 t/ga hamda tajribalarning aniqligi mos ravishda $S_x = 2,7\%$ bo'ldi.

Bamiyaning bir tup o'simlikdagi mevalar vazni aniqlandi, unga ko'ra "Toshkent tuhfasi" navida meva vazni 13 grammni tashkil etgan bo'lsa, "Burgundiy" navida 12 grammni tashkil etdi, "Toshkent tuhfasi" navining mevalari vazni "Burgundiy" navidan 8,3 foizga ko'p bo'lgani tajribalarda aniqlandi. Tanlov nav sinovida ekilgan bamiyaning "Toshkent tuhfasi" va "Burgundiy" navlarining hosildorlik ko'rsatkichlari aniqlanganda, umumiy hosildorlik "Toshkent tuhfasi" navida gektariga 13,6 tonnani tashkil etgan bo'lsa, unga nisbatan "Burgundiy" navida 11,4 tonnani tashkil etdi. "Toshkent tuhfasi" navining umumiy hosildorligi "Burgundiy" navidan 19,3 foizga ko'p bo'lganligi aniqlandi. "Toshkent tuhfasi" navida mevalarning erta hosil bo'lishi, poya balandligi, mevalar sonining ko'pligi va meva vaznining nisbatan og'ir bo'lishi, hosildorlik ko'rsatkichiga ijobiy ta'sir etdi, natijada ushbu navda hosildorlik yuqori bo'ldi.

Tanlov nav sinovida ekilgan bamiyaning "Toshkent tuhfasi" va "Burgundiy" navlari mevalarining biokimyoviy tarkibi undagi oziq moddalar, inson salomatligi uchun salbiy ta'sir etadigan indigirentlar aniqlanmadi (2-jadval).

1-jadval.

Tanlov nav sinovida ekilgan bamiya navlarining meva va hosildorlik ko'rsatkichlari (2018-2020 yy.)

№	Nav nomi	Bir tup o'simlikdagi, o'rtacha		Hosildorlik (t/ga)	
		meva soni, dona	meva vazni, gramm	umumiy	tovar
1	"Toshkent tuhfasi"	22	13	13,6	12,3
2	"Burgundiy"	20	12	11,4	10,1
	x	21	13	13	11
	Σ	42	25	25	22,4
	EKMF			3,2	
	$S_{x\%}^{05\ t/ga}$			2,7	